

КИССАВУРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ**Хамрақулов Лочинбек Эркинжон ўғли***Фарғона вилояти ИИБ Иккинчи минтақавий ҳудуд ТҚХ ЖҚГ катта тезкор вакили катта лейтенант*

Аннотация: Мақолада киссавурлик жинояти, унинг ҳуқуқий тавсифи, киссавурлик жиноятларининг олдини олиш, унга қарши курашиш билан боғлиқ мулоҳазалар илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: киссавурлик, киссавурликка қарши курашиш, тезкор ходим, профилактик чора-тадбирлар, жиноятларни фош этиш.

Жиноятчини қонунларга мувофиқ жазолагандан кўра, жиноят содир этилишини олдини олган осонроқ. Бунинг учун биз орган ходимлари бу мавзуда маҳаллаларда, фуқаролар ўртасида, ўқув муассасларида тарғибот ишларини талаб даражасида олиб боришимиз карак. Ҳар бир ота-она ўз фарзанди ёмон одам бўлишини истамайди. Лекин носоғлом муҳит, атрофдагиларнинг бепарволиги болаларнинг турли йўлларга кириб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг шахсий мулкига қарши жиноятлар орасида чўнтак ўғирлиги энг ижтимоий хавfli жиноят ҳисобланиб, чўнтак ўғирлиги (инглиз-ча picking pockets - чўнтакларни тозалаш, чўнтакни шилиш, киссавур)²⁹ деган маънони англатиб, ўзбек тилини изоҳли луғатида киссавур [форсча - халтани, киссани кесувчи] чўнтак ўғириси; кўча-кўй, бозор ва бошқа жойларда кишиларнинг нарсаларини ўғирловчи шахс деган маънони билдиради³⁰.

Назариядан маълумки, жиноятлар профилактикаси; жиноятни олдини олиш; содир этилган жиноятларни бартараф этиш; маҳкумларни тузатиш каби тушунчалар ўзаро бир-бирига яқин маъноларда синоним сўзлар сифатида қўлланилиб, ушбу тушунчаларни бир жумла билан айтилганда жиноятларни олдини олиш деган маънони англатади³¹.

Киссавурликни олдини олиш деганда ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг тезкор-қидирув фаолиятининг усули, элементи, куч ва воситалари асосида ИИВнинг соҳавий хизматлари ва Миллий гвардия ходимлари билан ҳамкорликда тезкор-қидирув ва профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга айтилади.

²⁹ Богданов. А.В., Хазов. Е.Н. Карманные кражи: история и реальность Вестник Московского университета МВД России № 3 / 2014 С.20.

³⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. П. К –Тартибли / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.90.

³¹ Курганов С. И. Криминология. М., 2007. С. 80. Криминология: Учебник / Под ред. Н. Ф. Кузнецовой, В. В. Лунеева. 2-е изд., перераб. и доп. М., 2004. С. 185.

Киссавурликнинг олдини олишда ички ишлар органларининг тезкор ходимлари ва кичик тезкор ходимлари соҳавий хизматлар билан биргаликда сўров, маълумотлар тўплаш каби тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади. Сўров тезкор-қидирув тадбирини амалга оширишда ИИВнинг меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида киссавурлик жиноят содир этишга мойил бўлган шахс билан махсус суҳбат ўтказишдан иборат бўлган тадбир ҳисоб-ланиб, мақсад ушбу шахсларни жиноят жинот содир этиш фикридан қайта-ришдан иборатдир. Маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирлари марка-зий тадбири ҳисобланиб, ушбу тадбирни ўтказишдан олдин масалан, сўров, тезкор кузатув каби тезкор-қидирув тадбири ўтказилиб, маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбиридан сўнг, тезкор эксперимент, тезкор текшириш каби тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади. Киссавур шахсининг жиноий қилмишига чек қўлиши, маълум маънода ушбу жиноятни олдини олишга хизмат қилади. Бундан ташқари, киссавурликни олдини олишда профилактик тадбирлар орқали амалга оширилиб, буларга: умумий, махсус, якка, виктимологик³² каби профилактик тадбирларни мисол келтириш мумкин.

Умумий профилактик тадбирлар аҳоли гавжум жойларда киссавур-ликни содир этиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича йиғилишлар тарғибот ва таш-виқот ишлари турли кўринишида амалга оширилиб, келгусида киссавурлик содир элишини камайтириш, фуқароларни хушёрлигини ошириш энг асосий мақсад бўлиб хизмат қилади.

Махсус профилактик тадбирлар киссавурлик билан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида махсус тадбирларни амалга ошириб, энг асосий мақсад уларни киссавурлик содир этиш фикридан қайтаришдан иборатдир.

Якка профилактик тадбирлар киссавурлик жиноятини содир этиши мумкин бўлган шахслар билан якка тартибда турли усулларда профилактик таъсир чораларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Виктимологик профилактик тадбирлар киссавурлик жиноятдан жа- брланган ёки жабрланувчи бўлиши мумкин бўлган шахслар билан махсус суҳбатлар ўтказилиб, киссавурликдан жабрланувчи бўлиб қолмаслиги учун тушунтириш ишлари олиб борилади.

Ички ишлар органлари тезкор ходимлари, кичик тезкор ходимлари юқорида таъкидлаб ўтилган чора-тадбирларни қуйидаги механизмларда амал-га ошириши лозим: биринчидан, фуқароларни айниқса, аёллар жамоат жойларида юрганида қўл сумкасини эҳтиёт чорасини кўриши юзасидан бозорлар, аҳоли гавжум жойларида хизмат қилаётган Ички ишлар ва Миллий Гвардия ходимлари тарғибот, тушунтириш

³² Ўзбекистон Республикасини 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 371-сон Қонуни // Электрон манба: <http://www.lex.uz>.

ишларини олиб бориши, масалан, оғзаки тушунтириш ишлари олиб борилиши, эслатма ва буклетларни тарқа-тиш; иккинчидан, киссавурлик содир этилиши мумкин бўлган жойнинг масъулияти чекланган жамиятнинг масъул ходимлари томонидан фуқаро-ларнинг хушёрлигини ошириш мақсадида “Ҳурматли фуқаролар, қўл сумкангиз, бошқа мулкингизни эҳтиёт қилинг! Киссавурлик жиноятининг жабрла-нувчиси бўлиб қолманг, шундай ҳолатларни гувоҳи бўлсангиз, Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ходимларига хабар беринг” мазмунидаги ўзбек ва рус тили матнидаги аудио-ёзувларни эшиттириш; учинчидан, ички ишлар органлари тезкор ходимлари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкор-ликда киссавурлик ҳолатлари юзасидан қизиқарли видеороликларни тайёрлаш ва аҳоли эътиборига етказиш; тўртинчидан, киссавурлик содир этиш вақти, жойи, усулини тизимли равишда таҳлил қилиш асосида мазкур қилмиш содир этилиши мумкин бўлган жойларда юқори мегапикселли видеокузатув камераларини ўрнатиш лозим.

Киссавурликни фош этиш ҳақида фикр юритилганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларидан бири сифатида “жиноятларни тез ва тўла очиш”³³ қонидаси белгилаб қўйилган бўлиб, мазкур бир-бирига ўхшаш тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб олишимиз лозимдир.

Жиноятни очиш деганда, жиноят содир этган шахснинг ва жиноят содир этишда иштирок этган шахснинг кимлигини (унинг қаердалигини) аниқлаш тушунилиб, фош этиш деганда эса муайян бир жиноят бўйича айбдорларни фош этмоқ (изобличение виновных) назарда тутилади³⁴.

Киссавурликни фош этиш деганда ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг тезкор-қидирув фаолиятининг усули, элементи, куч ва воситалари асосида тезкор-қизиқиш уйғотувчи ёки мазкур жиноятни содир этишда гумонланаётган шахс (шахслар)га нисбатан соҳавий хизматлари ва ва Миллий гвардия ходимлари билан ҳамкорликда тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширишга айтилади.

Ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан киссавур-ликни фош этишда тезкор ходимлар ва кичик тезкор ходимлар томонидан киссавурликни фош этишда сўров; маълумотлар тўплаш; предметлар ва ҳужжатларни текшириш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; тезкор кузатув, текшириш учун харид қилиш, турар жойларни ва бошқа жойларни, бино-ларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситалари-рини текшириш; тезкор эксперимент³⁵[8] тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш лозим. Ушбу тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда ички ишлар органлари тезкор ходими қуйидаги қоидаларга амал

³³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Электрон манба: <http://www.lex.uz>.

³⁴ Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / yuridik fanlar doktori, professor M.A.Rajabova tahriri ostida (to'ldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashri). – T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2019. – B.15.

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Электрон манба: <http://www.lex.uz>

қилиши лозим: сўров тезкор-қидирув тадбирини амалга оширишда тезкор ходим пўхта тайёргарлик кўриб, махсус сўхбат ўтказилиши лозим бўлган шахслар (жабрланувчи, гувоҳ, гумонланувчи) билан бевосита ёки билвосита мулоқот ўрна-тилади³⁶. Билвосита мулоқот қилинишида, тезкор ходим тезкор-қидирув фаолиятига кўмаклашувчи шахсларнинг имкониятидан фойдаланиб, гумонланувчи жиноят содир этганлиги, далилий аёшларни яшириб қўйган ёки ўтказилган(сотган) жойи, учинчи шахс (далилий ашёларни сотиб олган шахс) ҳақида тезкор маълумотларни тўплаш энг асосий вазифа ҳисобланади³⁷. *Маълумотлар тўплаш* тезкор-қидирув тадбирини амалга оширишда тезкор ходим жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи ва бошқа тезкор-қизиқиш уйғо-тувчи шахслар ошкора, ноошкора усулдан фойдаланиб, кассавурликни фош этишга қаратилган фактик маълумотлар тўплаш, ушбу тадбирнинг энг асосий мақсади ҳисобланади. *Предметлар ва ҳужжатларни текшириш* тезкор-қидирув тадбири кассавурликни фош этишда келгусида далилий ашё бўлиши мумкин бўлган предметлар ва ҳужжатларни бевосита ва билвосита текширилгандан сўнгина, исботлаш жараёнида фойдаланилади. Билвосита текширишда мутахассис ёрдамидан фойдаланилади. *Шахснинг айнанлигини аниқлаш* тезкор-қидирув тадбири кассавурликни содир этишда гумонланаётган шахсни бевосита ёки билвосита айнанлаштириш орқали амалга оширилади. Шахсни айнанлаштириш бево-сита ўтказилганида жабрланувчи, гувоҳ, шоҳидлар билан гумонланувчи шахслар юзлаштирилиб, кассавурлик содир этилишидан бир муддат олдин ёки айна жиноят вақтида шоҳид гумонланувчини кўрганликларига аниқлик киритилади. Билвосита шахснинг айнанлигини аниқлашда гумонланувчи шахсни махсус техник воситалар (видеокузатув камераси) ёки шахсини тас-диқловчи ҳужжатлардаги маълумотлар билан танишиб, шахснинг айнанлиги аниқланади. *Тезкор кузатув* тезкор-қидирув тадбирида кассавурликни содир этган шахслар жисмоний, электрон ва аралаш кўринишда кузатув ишлари ўтказилиб, жиноий фактни амалга оширилганлиги ҳақидаги видеоёзуларда қайд этилган маълумотларни мақбул далил сифатида расмийлаштирилган кейин, исботлаш жараёнида фойдаланилади. Ушбу тезкор-қидирув тадбири ҳар доим ноошкора усулларда амалга оширилиши талаб этилади. *Текшириш учун харид қилиш* тезкор-қидирув тадбири кассавурлик предметини сотиб олган шахсдан ёки жиноятчини ўзидан ошкора мақсади яширилган усулларда келгусида далилий ашё бўлиши мумкин бўлган нарсани харид қилишдан иборат бўлиб, харид қилинган ашё ва буюмларни тезкор ходимлар жиноят предмети эканлигига ишонч ҳосил қилса ёки жабрланувчига кўрсатиш йўли билан кассавурлик предмети эканлиги тасдиқланса, харид қилинган ашё, буюмлар гумонланувчи шахсдан олинганлиги ҳақида баённома ва бошқа ҳужжатлар тузилиб, тўпланган

³⁶ Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.97-99.

³⁷ Каримов. В. Тезкор-қидирув фаолияти: дарслик / В.Каримов - Тошкент, Lesson press, 2021. – Б.281-284.

ҳужжатлар ИИБнинг Тергов бўлимига тақдим этилади. *Турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш* тезкор-қидирув тадбири кииссавурлик предмети сақланаётган жой, омбор, бино, хона ва қўшимча хўжалик хоналари, транспорт воситалари салони ва юкхонаси тезкор текширилиб, далилий ашёларни топиш чоралари кўрилади. Кечиктириб бўлмайдган вазиятларда фуқароларнинг турар жойи дахлсиз-лигини чеклаш билан боғлиқ бўлган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилгани-да идоравий раҳбарнинг асослантирилган қарори асосида амалга оширилиб, бу ҳақида 24 соатичида прокурорга хабар берилиши лозим. Ушбу тезкор-қидирув тадбирни амалга оширишда вақт етарли бўлганида шахснинг турар жой дахлсизлигини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирини ўтка-зишда идоравий назоратни амалга оширувчи биринчи раҳбарларнинг тадбир-ни ўтказиш ҳақидаги асослантирилган қарори прокурор томонидан рухсат (санкция) берилганида амалага оширилади. Тезкор текшириш тезкор-қидирув тадбири давомида олинган ашё ва буюмлар, жиноят-процессуал қонунчилиги талаби асосида ҳужжатлар расмийлаштирилади. *Тезкор эксперимент* тезкор-қидирув тадбирини амалга оширишдан кўзланган мақсад, киссавурни қўлга олишдан иборатдир. Ушбу тадбирнинг таркибий қисмига тезкор кузатув тадбири кириб, тезкор экспериментни амалга оширишда пухта ишлаб чиқил-ган режа, билдирги ва асослантирилган қарор тузилади. Тезкор ходимлар тезкор эксперимент тезкор- қидирув тадбирининг режа бандларида назарда тутилган вазифаларни вақт кетма-кетлигида ўтказиб, киссавурни жиноят устида қўлга олиш чоралари кўрилади.

Киссавурликни самарали фош этишда ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида қўйидаги муҳим масалаларни ҳал этиш лозим: биринчидан, киссавурликни фош этишда ички ишлар органларининг тезкор ходим ва кичик тезкор ходимлари юқорида таъкидлаб ўтилган вазиятлардан келиб чиқиб, чоратадбирларни белгилаши; иккинчидан, киссавурликка қарши курашиш билан бевосита шуғулланувчи кичик тезкор ходимларга дастлабки ва кейинги тезкор- қидирув тадбирларни кетма-кетликда амалга оширилишини таъминлашда “Ички ишлар органлари кичик тезкор ходим-ларининг киссавурликка қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш тартиби” номли ИИВнинг қўлланмасини ишлаб чиқиш, ушбу қўлланмада кичик тезкор ходимларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, дастлабки, кейинги тезкор-қиди-рув тадбирларни амалга ошириш тартибини белгилаш лозим; киссавурлик-ни фош этишда тезкор- қидирув фаолиятига кўмаклашувчи шахсларнинг айнан мосини танлаб, уларнинг имкониятидан унумли фойдаланиш, меҳна-тини инобатга олган ҳолда моддий рағбатлантириш; киссавурликни фош этишда тезкор-техник восита (кичик ҳажмли камера, диктафон ва бошқ.) ларни қўллаш орқали киссавур шахсларни қилмишини исботлаш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг талабига биноан далилларни тўплаш, текшириш ва расмийлаштириш талаб этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, кассавурликни олдини олиш ва фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини самарали амалга оширилиши, мазкур жиноят камайишига, жазонинг муқаррарлигини таъминлаб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари кафолатланишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.В. Богданов, Е.Н.Хазов Карманные кражи: история и реальность Вестник Московского университета МВД России № 3 / 2014 С.20.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. К – Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.90.

3. Курганов С. И. Криминология. М., 2007. С. 80. Криминология: Учебник / Под ред. Н. Ф. Кузнецовой, В. В. Лунеева. 2-е изд., перераб. и доп. М., 2004. С. 185.

4. Ўзбекистон Республикасини 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 371-сон Қонуни // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

6. Jinoyat-protsexual huquq: Darslik / yuridik fanlar doktori, professor M.A.Rajabova tahriri ostida (to'ldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashri). – Т.: О'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2019. – В.15.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Электрон манба: <http://www.lex.uz>.

8. Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.97-99.

9. Каримов Ваҳобжон, Тезкор-қидирув фаолияти: дарслик / В.Каримов - Тошкент, Lesson press, 2021. – Б.281-284.